



ЎҚУВЧИНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИНГ АСОСИЙ ДИДАКТИК ПАРАМЕТРЛАРИ

Мусаев Жаҳонгир Паязович,

география фанлари номзоди, доцент,

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий котиби,

e-mail: musaev@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда таълим мазмунини белгилаб беруви асосий омиллардан бири ўқув дарслерининг муҳим ўрни ва аҳамияти баён этилган. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифат-самарадорлигини оширишининг асосий омили сифатида дарслерни қўйиладиган педагогик ва психологик тамоиллар кўрсатилган. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари мазмун-моҳиятини белгилаш ва кўзланган мақсадга эришишда мавжуд дидактик параметрларни ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилган. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирган мактаб дарслигининг мазмунини белгилаш бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: мустақил фикрлаш компетенцияси, дарслер, методик қўлланма, илғор педагогик технологиялар, ижтимоий-гуманитар фанлар, таълими меъёрлар, ўқув адабиётлари, педагогик талаблар, педагогик тамоиллар.

ОСНОВНЫЕ ДИДАКТИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ СОДЕРЖАНИЯ ОБЩЕЙ СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ В РАЗВИТИИ КОМПЕТЕНЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ

Мусаев Жаҳонгир Паязович,

кандидат географических наук, доцент,

ученый секретарь Министерства инновационного развития Республики Узбекистан

Аннотация. В статье описывается важная роль и значение учебников в развитии компе-

Кириш

Таълим тизимининг сифат-самарадорлигини оширишда ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни ва воситалари ўқув-тарбия жараёнининг моҳиятини белгилаб беради.

Ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари мазмун-моҳиятини белгилаш ва пировард натижада кўзланган мақсадга эришишда мавжуд дидактик параметрларни ҳисобга олиш зарур. Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар аниқ асосланган воқеа-ҳодисалар, рақамлар билан ишлаш билан бирга, ўқувчилардан мустақил фикр юритиш, ижодий фаоллик асосида жараёнда иштирок этишни ҳам белгилаб беради. Зоро, таълим алоҳида ташкил топган фаолият сифатида биологик, психологик, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган шахс ривожини тезлаштиради. Инсоннинг ижтимоий-тарихий қонуниятлар ривожини англашига, меҳнат жараёнидаги фаолиятига ёрдам беради [1, 13-б.].

Таълим модернизациясининг яна бир жиҳати бу таълим мазмунига янгича ёндашув, аниқроғи, умумий ўрта таълим дидактик мазмуни ва воситаларининг



компонентал бутлангани, мукаммаллашганидир. Педагогик фаолиятнинг барча жабҳасини қамраб олувчи бу янгилик таълимнинг ташкилий шакллари ҳамда усуллари, билимдонлик қирралари, ўқитувчи фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг янгича сифат ва мезонларида намоён бўлади [2, 167-б.].

Ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда умумий ўрта таълим мазмунининг асосий дидактик параметрларини қўйидагилар ташкил этади [3, 51-б.]:

- давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари;
- дарслеклар ва методик қўлланмалар;
- электрон дарслеклар, ўқув фильмлар;
- дарсга қўйилган мақсадлар ва уларнинг эришганлик даражаси;
- ўқитишининг илгор педагогик технологиялари (таълим шакллари, турлари ва усуллари);
- олинган назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- ўқувчилар билимининг баҳоланиши.

Юқорида таъкидланган умумий ўрта таълим мазмунининг асослари таълим муассасалари, давр, жамият эҳтиёжлари асосида такомиллаштириб борилади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифат-самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳам шундан иборатdir. Таълим-тарбия жараёнидаги ўқитиш, ўрганиш, ўргатиш, таълим бериш, билим, кўникма, малака, шунингдек, мақсад, мазмун, дарсни ташкил қилиш, дарс турлари, шакллари, методлари, воситалари, ўқитишдан иборат бўлиб, дидактика-ўргатиш ва таълимнинг мақсади, мазмуни, методлари, вазифалари, эришилган натижалар юзасидан белгиланган параметрлардир [4].

Материал ва методлар

Назарий тадқиқот усулларига қўйидагилар киради: педагогик адабиётлар, архив материаллари, хужжатларни таҳлил қилиш; амалий усуллар (амалий жараённи таҳлил қилиш; хронометрия,

тенции самостоятельного мышления учащихся в процессе обучения социально-гуманитарным наукам в общеобразовательных школах, учебники являются одним из основных факторов, определяющих содержание образования. Педагогические и психологические принципы, изложенные в учебниках, выделены как ключевой фактор повышения качества и эффективности преподавания социальных и гуманитарных наук. Также отмечено, что при определении содержания социально-гуманитарных наук следует учитывать и существующие дидактические параметры в достижении желаемого результата. Даны рекомендации по определению содержания школьного учебника, ориентированного на развитие самостоятельного мышления у учащихся.

Ключевые слова: компетенция самостоятельного мышления, учебник, методическое пособие, передовые педагогические технологии, социально-гуманитарные науки, образовательные нормы, учебная литература, педагогические требования, педагогические принципы.

ESSENTIAL DIDACTIC PARAMETERS OF THE CONTENT OF A GENERAL SECONDARY SCHOOL IN THE DEVELOPMENT OF AN INDEPENDENT THINKING COMPETENCE WITH STUDENTS

Musaev Jakhongir Payazovich,

Doctor of Philosophy in Geographical Sciences (PhD),
Associate Professor, Scientific Secretary,
Ministry of Innovative Development of
the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article describes the essential role and value of textbooks in the development of an independent-thinking competence with students in the process of teaching social sciences and humanities in the secondary education schools, which represent one of the major factors determining the content of education. The pedagogical and psychological principles outlined in the textbooks are highlighted as a crucial element in enhancing the quality and effectiveness of teaching social sciences and humanities. It is also noted, that in achieving a desired result, existing didactic parameters should be taken into account when creating the content of social sciences and humanities. Recommendations are given for forming the content of a school textbook with an emphasis on the development of independent thinking skills with students.


Keywords: competence of independent thinking, textbook, manual, advanced pedagogical technologies, social sciences and humanities, educational norms, educational literature, pedagogical requirements, pedagogical principles.



профессиография, мустақиллик усули хусусиятлари); таҳлил ва синтез; индукция ва дедукция; таснифлаш; аналогия;

солишириш; гипотезаларни яратиш; прогнозлаш, дизайн, моделлаштириш ва бошқалар.

Умумий ўрта таълим мазмунининг асосий дидактик параметрлари



1-расм. Ўкувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда умумий ўрта таълим мазмунининг асосий дидактик параметрлари

Эмпирик тадқиқот усулларига қўйида-гилар киради: педагогик тажриба, кузатиш, ўз-ўзини кузатиш, сұхбат, сўроқ, социометрия, рейтинг, тест, педагогик кенгаш; масштаблаш, тенгдошларни кўриб чиқиш, индекслаш, ўрганиш, умумлаштириш, оммавий ва илғор педагогик тажрибани тарқатиш ва бошқалар.

Тадқиқот натижалари

Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари ҳар бир шахснинг имконият, эҳтиёж ҳамда интилишларини ривожлантиришда педагогик фаолиятнинг бош мақсадларидан ҳисобланади. Таълим сифати меъёрларининг қонуний асоси бўлган давлат таълим стандартларида “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда, энг асосийси, ўкувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлиари устуворлигидан келиб чиқади”, дейилган.

Демак, шахс таълимга эмас, таълим шахсга юз ўғирди. Зотан, ҳар қандай педа-

гогик фаолиятда ҳар бир ўкувчи ўқитувчи эътиборида бўлмоғи лозим. Шахснинг қобилияти, қизиқиши насл-насаб(ген)дан экани азалдан маълум. Буни аждодларимизнинг “Бўладиган бола бошидан маълум”, “Ота касбини ихтиёр қил” каби ҳикматларидан ҳам илғаш мумкин.

Ўқитувчи фаолияти самарадорлиги ўкувчи хотирасида йиғилган илмий ахборотлар миқдори ва сифати билангина эмас, балки ўкувчидаги шаклланган қўнимга, малака ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш маҳорати билан ҳам баҳоланмоқда. Бундай янгиликнинг дидактик моҳияти ҳамда масъулиятини ҳар бир ўқитувчи теран тушунмоғи ва педагогик фаолиятга татбиқ қилмоғи лозим. Бу ўзгаришлардан ота-оналар ҳам хабардор бўлиши керак, чунки мактабнинг муайян босқичини тутгатаётган фарзандининг нималарни билиши ва нималарни уddyalай олишини ота-она буюртмачи сифатида мактабдан талаб қилиши мумкин.

Бу борада мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги доирасида мактаб кенгаси етак-



чилигидаги ота-оналарнинг педагогик са-водхонлигини оширишга қаратилган тад-бирлар тизими ишлаб чиқилган.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи (субъект)нинг (кузатувчанлиги, идрок этиш тезлиги, анализ ва синтезлаш, хотира барқарорлиги каби) ўзига хосликлари-га ёндашиши орқали ундаги бетакрорлик-ларни янги босқичга кўтаради.

Ўқитувчи ўқитадиган фани юзасидан чукур ҳамда атрофлича билим ва тажриба-га эга бўлиши лозим. Шунинг баробарида, ҳар бир ўқувчисининг билиш фаолиятига бевосита таъсир қилувчи омилларга бе-фарқ бўлмаслиги педагогик фаолиятининг ажралмас қисмидир: унинг соғлиғидан тортиб кўринишигача, ахлоқ-одобидан тортиб қуввайи салоҳиятигача ва ҳатто бекарор кайфиятидаги ўзгаришларгача.

Шунингдек, ўқитувчи ҳар йили янги ўқувчилар гурухи билан иш бошлар экан, муайян вақт ҳар бир ўқувчини “кашф” этиш билан ҳам шуғулланади. Шу сабабли синф раҳбарининг ўқувчилар ҳақидаги тавсифномаси фан ўқитувчисига ҳам асқатади. Фан ўқитувчиси синф раҳбари билан мулоқотдабўлиши ва ота-оналар йиғилишларида улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Жумладан, умумий ўрта таълим босқичи битирувчиси ижтимоий-гуманитар фанлардан бири география фанидан тайёр гарлигини: айта (кўрсата) олиш; аниқлай (ўлчай) олиш; тасвирлай билиш; тушунира билиш; башорат қила билишдек (5 хил) мезонлар бўйича намоён этиши белгиланган. Шунга биноан, ўқувчи мукаммал билимлар тизими билан қуроллантирилиши баробарида, унда кўплаб ўқув кўникма ва малакалар, илмий фаолиятга алоқадор оддий тадқиқотчилик усулларини таркиб топтириш лозимлиги давлат таълим стандартида аниқ белгилаб қўйилган.

Географик харитани ўқиш (муайян ҳудуддаги қуёш радиацияси миқдорини аниқлаш, вақтнинг алмашиниш чизиқла-ри, материклар ва океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар, оқимларни аниқлаш),

ернинг геологик ёшини аниқлаш, ернинг магнит кутбларини белгилаш, муайян географик объектнинг географик тавсифини баён этиш каби амалий фаолият турларисиз ДТС талаб этган ўқув кўникма ҳамда малакалар таркиб топмайди.

Ижтимоий-гуманитар ўқув фанларининг барчасида белгиланган ДТС ва ўқув дастурларида бу йўналишлар қайд этилган. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географиясидан ҳар бир дарс бўйича дарсликда мустақил изланишга ундовчи топшириқлар берилган. Масалан, “Мактабингиз атрофида фаолият кўрса-таётган корхоналар қандай соҳага ихти-сослашганини аниқланг ва сабабини ту-шунтиринг”, “Туманингиздаги исталган корхонанинг ишлаб чиқариш алоқасини чизмада тасвирланг”, “Маҳаллангиз ёки қишлоғингиздаги демографик жараённи ўрганиб, таснифини ёзинг” сингари ўл-кашунослик мазмунидаги кўплаб топшириқлар берилганки, улар жойида, ҳаракатда ўрганилар экан, баъзи ўқувчилар кузатиш горизонти янада кенгроқ бўлишига ошиқади. Шуни назарда тутиб, моҳияттан ўхшаш, аммо қамрови, ҳудудий жойлашуви бўйича фарқланувчи объект бўйича муқобил савол-топшириқлар тавсия этилган. Зоро, бу хилма-хиллик ўқувчилар имкониятидаги тафовутлар билан уйғунлашса, уни бажарувчи (ўқувчи) вазифага кўтаринки завқ, ишонч билан киришади. Навбатдаги топшириқни кутади, вазифани мамнун қарши олади. Топшириқ (вази-фа)нинг ўқувчи қизиқиши ва салоҳиятига мос тушмаслиги ялқовлик, масъулиятсизликни кучайтириши мумкин [5, 47-б.].

Таълимий меъёрлар: ўқув дастурлари-ни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириши зарур бўлган да-ражаси ўқувчиларнинг муайян босқичда эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалариридир.

Ҳар бир фаннинг мақсадидан ўқув ре-жаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажми унинг тизими мавжуд жамиятнинг ғоявий-сиёсий йўналишини ўзида акс эт-



тирадиган давлат ҳужжатидир. Ўқув дастурида ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўнкма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Айни вақтда ўқув дастурининг ўзи ҳам риоя қиласидиган талаблар мавжуд. Жумладан, дастур аниқ бир ғояга асосланиши, ДТСни устувор, бош меъёр билиб, ундаги мезон ҳамда меъёрлардан заррача оғишмаслиги лозим.

Ўқув дастурини тузища фаннинг тарихий сабоқлари, хусусан, фан оламида янги-янги кашфиётлар, илмий қонунқоидалар инобатга олинади. Ўқув дастури ҳужжатлари ислоҳ қилинган таълим, давлат томонидан тасдиқланган режа асосида тузилади.

Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг меъёрий воситаларидан бири бўлган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари таълим мазмунининг дидактик асосини ташкил этади. Зоро, ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунининг узвийлиги, узлуксизлиги ҳамда ўқитишининг сифат даражаси мана шу воситаларга таянади, ривожланиб боради.

Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ўқув дарсликлариdir. Дарсликларнинг давр талаби, жаҳон андозаларига мос келадиган даражада бўлишини таъминлаш билан шуғулланиш кундалик вазифага, масъулиятга айланган. Шу боис мамлакат таълим тизимида туб ислоҳотлар ясаган Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» умумий ўрта таълим мутасаддилари, хусусан, педагог мутахассислар зиммасига дарсликларнинг янги (иккинчи) авлодини яратишдек мураккаб ва долзарб вазифани юклади. Бу, ўз навбатида, илмий педагогик салоҳият, нашрлар ва полиграфия имкониятларини ягона мақсад сари йўналтирувчи илмий педагогик жиҳатларни муҳтасар ифодалаган «қолипга» зарурият туғдириди. Бундай қолип бозор иқтисодиётига асосланган тузум шароитида таълим-тарбия самарадорлигини кафолатловчи, жаҳон андозалари даражага-

сидаги дарсликларнинг асосий қирраларини белгилаб берди [6; 5].

Маълумки, ўқув адабиётлари етакчи мавқеда туради. Шундай экан, дарслик ҳақида фикр юритишдан олдин «дарслик» тушунчасига таъриф бериш жоиз. Кўпгина хорижий педагог олимлар «Дарслик бу – ўқувчи қўлида таълим-тарбия жараёнининг ахборот модели», янада аниқроғи, «Дарслик-таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг автоматлашган воситаси», деб ҳисоблайди. Баъзилар ўқув фани (дарслик)ни муайян фаннинг муҳтасар баёни (модели) ва ҳаттоқи “фан асоси” тарзида талқин қилишади [7, 69-б.].

Айни вақтда турли маълумотларни мужассамлаштирган ҳар қандай китоб, фильм, овоз ёзилган лента кабиларни дарслик сифатида ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Бизнингча, булар том маънодаги дарслик, яъни «таълим-тарбия жараёнини йўналтирувчи бошқарув воситаси» бўла олмайди. Бунинг учун улар психология, педагогика назарияси асосида дидактик ишловдан ўтган бўлиши шарт. Муқаммал ишлов бериб, кенг қамровдаги амалий синовдан ўтган ҳар бир дарслик «миллий бойлик»ка айланади [8].

Сўнгги йилларда “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилингач, мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида таълим стандартлари ва ўқув дастурлари такомиллаштирилди. Шу боис мактаблардаги дарсликларнинг шакл-шамойили, жумладан, муқоваси, нашр қилиниши, иллюстрацияси, ҳарфларнинг шакли ва терилиши кабиларда уччалик катта ўзгаришлар бўлмаса-да, аммо дарсликнинг мазмуни, таълим жараёнидаги ўрни, аҳамиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Кўп йиллар давомида дарсликлар билимлар манбаи, машқлар тўплами ҳамда ижтимоий-маданий қадрияларни сингдиришдек вазифаларни ўтаган бўлса, эндилиқда бу вазифалар қаторига ўқувчиларда таълимий



фаолият кўникмалари, мустақил фикрлаш, турли таълимий методлар билан ошно этиш ва билимларни амалиётда қўллаш малакаларини таркиб топтириш вазифаси ҳам қўшилди.

Шуларни назарда тутиб, замонавий мактаб дарслигини муайян ўқув фанидан Давлат таълим стандартини бажаришга йўғрилган, ўқувчи ёши ва бошқа хусусиятларига мос, алоҳида дастурга асосланувчи кўп ададда чоп этилган китобдир, десак тўғрироқ бўлади.

Дарсликнинг функционал вазифаси тадқиқи билан шуғулланган қўпгина олимлар фикрича, дарслик, аввало, таълим мазмунини ифодаловчи муҳим восита ва у таълим мазмунининг ўртacha даржасини ифодалайди. Шу боис таълим жараёнида турли гуруҳдаги ўқувчиларга қўшимча маълумот берувчи дидактик қўлланмаларга эҳтиёж сезилади ва дидактик қўлланмалар мажмуасида дарслик марказий ўринни эгаллайди.

Дарсликнинг яна бир функцияси ҳар бир ўқувчининг қобилият ҳамда имкониятларини аниқлаш воситаси эканлигидир. Дарслик мазмуни бошдан охиригача тарбия ғоялари билан суғорилиб, ўқувчини миллий қадриятлар руҳида тарбиялаши зарур. Дарсликларнинг юқоридаги функциялари концептуал аҳамият касб этиб, барча ўқув фанларида бунга амал қилинishi керак. Ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришадарсликларнинг ўрни муҳимлигини ҳисобга олсак, умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бир дарслиги, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг дарсликлари давр билан ҳамоҳанг тарзда такомиллаштирилиши тақозо этилади.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун дарсликларга бўлган психологик ва педагогик талаблар, тамойиллар [9, 10]:

– *Мустақил фикрлаш учун педагогик талаб – дарслик матнидан тортиб иллюстрациясигача ўқув фани мазмунига мувофиқ тарзда миллий ғоя ва мафкурани намоён*

қилмоғи керак. Шунингдек, истиқлол шарофати ва миллий қадриятлар моҳиятини тушунтириши, тарғиб этиши, Ватан туйғусини тарбиялаши зарур. Дарсликда ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтирадиган мазмун мужассам бўлиши лозим.

– *Мустақил фикрлашга йўналтиришда кўргазмалик – ўқувчининг дарслик матнини тушунишини осонлаштириш, уни фикрлашга ундаш мақсадида воқеа, ҳодиса, жараён сингари категориялар моделлаштириб берилиши ва матн мазмунини бойитувчи чизмалар, расмлар билан таъминланиши лозим. Айниқса, кўз илғамас нарсаларнинг катталаштирилган, улкан қамровли нарсаларнинг эса кичрайтирилган моделлари таълим мазмунини ўзлаштиришни осонлаштиради. Зоро, кўргазма (иллюстрация)лар мактаб дарсликлари учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Айрим ўқув фанлари дарсликлирида унинг ҳажми ҳатто матн ҳажмидан ортиқ бўлади. Чунончи, ижтимоий-гуманитар фанларда адабиёт дарсликларидан ташқари ўрта мактаб дарсликларининг 40 фоизи матнга тўғри келса, иллюстрация ҳам шундан кам бўлмаслиги оддий ҳолат.*

– *Мустақил фикрлаш учун мантиқий яхлитлик – дарсликни блок, боб, параграф ёки мавзуларга ажратишда мазмун муайян тизим шаклида тугалланиши, иложи борича, мавзу бир дарс қамровига сифиши имконини излаш керак. Бунда ўқувчиларнинг ҳар бир мавзуни ўзлаштиришида мустақил ёндашув тизимли тарзда шаклланиб боради.*

– *Ўқувчининг мустақил фикрлашини амалиётга боғлаш – ҳар бир тушунча, қонуният, ғоянинг ҳаётнинг исталган жабҳасида зоҳирлигини исботловчи далиллар излашга ундовчи топшириқлар бериш ва бунда меъёрга риоя қилиш лозим. Бу жараёнда ўқувчи мустақил равишда берилган билимларнинг амалиётдаги кераклилиги ва афзаллигини таҳлил этади. Ўрганиш жараёнида ўқув кўникмалар, жумладан, тадқиқотчилик кўникмалари ривожланишига имконият яратилади.*



2-расм. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун дарсликларга бўлган психологик ва педагогик талаблар

- *Мустақил фикрлашга йўналтиришнинг муҳим воситаси табақалаш* – ўқувчилар салоҳияти, қизиқишидаги муқаррар тафовутларни назарда тутиб, матнни икки, ҳатто уч даражада (табақалаб) бериш. Бунинг учун майда ҳарф, қуюқ ёки ёзмача ёзув сингари усувларни қўллаш. Зеро, ҳар бир дарслиқда берилган материаллар билан ишлаш ўқувчи учун тўсиқ, муаммо сифатида эмас, балки енгиллик, қулайлик сифатида эътироф этилиши зарур.

- *Мустақил фикрлашга йўналтиришда ўқувчи ёш хусусиятини назоратда тутиш* – матн ҳам, иллюстрациялар ҳам психология фани исботлаган идрок қилишнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши; ўқув фани мазмунигина эмас, ифода усули ҳам академик тилдан мутлақо фарқ қилиши зарур. Айниқса, ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари ичida “Тарбия”, “Тарих” каби тарбия-

вий функцияси устувор ўқув дарсликлирида ўқувчи руҳини ром қилувчи, ҳиссиётни кўзғайдиган мисоллар бўлгани маъқул. Дарслик яратишида муайян ўқув фанига хос мазмун ўқувчини зўриқтирумайдиган ва матн миқёси бир дарс қамровига сиғадиган бўлиши, бунда психология фани илгари сурадиган меъёрларга риоя қилиш керак. Жумладан, тегишли синфда ўқувчи бир дақиқада нечта сўз ўқий олиши, илғаш тезлиги, ўқиган матн мазмунини тушунтира билиши ҳамда нечта сўз ёзиб улгуриши каби меъёрлар эътиборда бўлиши лозим [11].

Ўқувчи онгидаги ғайриилмий тасаввур вужудга келиши эҳтимолини ҳисобга олиб, илмий баҳс тўхтамаган, илмий фарз даражасидагина мушоҳада этилаётган ғоя, таъриф, қоида кабиларни дарсликда бермаслик зарур. Умуман, дарслик мате-



риали шундай баён этилиши ва иллюстратив жиҳозланиши керакки, бундан ўқувчи завқлансин, қалби ифтихорга тўлсин, қувонсин, кези келганда, айрим воқеликлардан изтироб чексин [12, 13-б.].

Дарслик ўқувчиларнинг давлат стандарти ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим, кўнишка ва малакаларини фаол ва онгли суръатда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган асосий воситаҳисобланади [13, 85-б.]. Мактаб дарслиги олдига кўйидаги вазифалар қўйилади:

- таълим мақсадлари ва давлат таълим стандартларига мос келиши;
- ўқувчиларнинг билим олишига ёрдам бериши;
- ўқувчиларда мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириши;
- ўзлаштирилган билимларнинг кундалик турмуш амалиёти билан боғлиқлиги;
- таълим ва тарбияни ўзаро чамбарчас боғлаш;
- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш;
- бошқа фанлар билан уйғунлаштириш (интеграция);
- муайян фанга оид илмий концептуал маълумотларни ўзида мужассамлаштириш;
- таълим олишнинг турли услубларини ўзида мужассамлаштириш;
- ўқувчига ўз-ўзини ёки ўқитувчига ўқувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиш.

Дарслик яратишида бир қатор дидактик ва методик тамойиллар, хусусан, дарслик мазмуни ва ифода тилига қўйиладиган умумий талабларга амал қилиш зарур.

Мактаб дарслигининг мазмуну ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантиришга ўналтирилган ҳолда, қўйидаги талаблар асосида белгиланиши тавсия этилади:

- буюк келажакни тасаввур қила оладиган, юксак маънавиятга эга, мустақил

фикрловчи баркамол авлодни тарбиялашга қаратилиши;

- умуминсоний қадриятлар, юритимизга хос шарқона воқелик, миллийликни ўзида мужассамлаштириши;
- мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий истиқол ғояларини сингдириш, ватанпарварлик ҳисларини тарбиялашга қаратилган бўлиши;
- ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи илмий ва амалий аҳамиятга молик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар ва тушунчаларнинг бўлиши;
- фанлараро боғланишда такрорлашнинг олдини оладиган, параллел ва муайян мантиқий, изчил кетма-кетликка асосланган уйғунликка риоя қилиниши;
- ўқувчининг ёш ва психологияк хусусиятлари ҳисобга олиниши;
- дарслик материали дастурга мос ва ўқув режада ажратилган соатларда ўрганишга мўлжалланганлиги;
- тегишли фан бўйича қўлланиладиган атамалар, тушунчаларнинг таърифлари, қонун-қоидаларнинг ифодалари, ҳодисалар изоҳлари илмий амалиётда эътироф қилинган ва оммалашган бўлиши;
- республикамиз табиати, ижтимоий-сиёсий салоҳияти ва ютуқлари ўқувчиларга мос ёритилиши.

Келтирилган дидактик тамойилларнинг барчаси ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга имкон берадиган дарсликлар яратишга хизмат қиласи. Зоро, ҳар бир дарслик мазмунан талаб даражасида тайёрланиши билан ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтириш имкониятини бера оладиган муҳим манба вужудга келади.

Шу ўринда дарслик ҳажми қатъий меъёранган шароитда дарслик мазмунини чуқурлаштириш ёки соддалаштириш мумкини, унинг ўқувчи мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга таъсири қандай бўлади, деган саволлар туғилиши табиий.

Масалан, география дарслигига берилган “Туманингиз экологик ҳолатини бел-



гиловчи омилларни изоҳланг” ёки “Туманингизда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга йўғрилган қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?” каби топшириқлар салоҳияти бўш ўқувчига оғирлик қилиши мумкин. Аммо туман кўламидаги мазкур топшириқлар қишлоқ, ҳатто маҳалла қамровига қадар кичрайтирилса, бўш ўзлаштирувчи ўқувчи ҳам бажара олади. Бу таълимни табақалашга мўлжалланган ўқитувчи ихтиёридаги имкониятдир.

Масалан, “Туманингиз иқтисодиёти муайян қўшни туман иқтисодиётига алоқадорлигининг географик тафсилотини тузинг” сингари бир қатор мураккаброқ топшириқ иқтидорли, хусусан, географияга қизиқувчи ўқувчига мослигидан, бинобарин, у бу вазифани завқ-шавқ билан бажарса-да, аммо ўртача ўқиётган ўқувчи бу вазифани бажара олмай асабийлашиши ёки уни ўзгаларга бажартиришдек қинғир йўл излашга ундаши мумкин. Хуллас, ҳар бир ўқувчига мос вазифа топшириш муҳим ва бу айни вақтда мураккаб дидактик талаб хисобланади.

Дарсликнинг савол ва топшириқлари, умуман, уйга вазифалар ҳар қанча муҳим ва самарали бўлмасин, уларнинг ҳам тизгилайдиган педагогик, физиологик меъёр (критерия)лари бор. Чунончи, кундалик ўқув фанларидан барча топшириқларга ўқувчи сарфлайдиган вақт 5-9 синфларда 3 соатдан ошмаслиги шарт. Шунга кўра, географиядан уй вазифаси учун тахминан 30 дақиқа мўлжалланади. Бу муддат салоҳияти турлича бўлган ўқувчилар гуруҳидаги барчани бирдек қаноатлантири-маслиги мумкин. Шу сабабли дарсликдаги савол ва топшириқларнинг аксарияти ўртача салоҳиятли ўқувчига мосланса-да, топшириқларнинг баъзилари уч хил мураккабликда тавсия қилинган. Жумладан, муайян ҳудуд (маъмурий бирлик) қамроридаги демографик жараёнларни ўрганиш ҳудуд аҳолисининг салмоғи ва таркибининг мураккаблигига ҳамоҳанг топшириқ мазмuni ҳам мураккаблашаверади. Ўзлаштириши паст ўқувчига демографик

жараёнлар маҳалла доирасида, ўртача салоҳиятли ўқувчига қишлоғи мисолида, географияга ихлосманд, алоҳида қобилиятли ўқувчиларга тумани доирасидаги топшириқлар мўлжалланган.

Топшириқлар учун қуйидаги режатавсия қилинган [14]:

- Географик ўрин хусусиятлари.
- Ер майдони (дехқончилик ва чорвачилиқда фойдаланиш мумкин бўлган захира ерлар етарлими?).
- Сизнингча, туманда қўшимча ерлардан истиқболда қандай фойдаланилади?
- Озуқабоп ресурслар чорва эҳтиёжини қондира оладими?
- Сув энергиясидан қандай мақсадларда ва қандай усулда фойдаланилади?
- Табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Хуносалар

Кўриб турганингиздек, савол ва топшириқлар ўқувчи, қоловерса, ўқитувчининг ҳам китобий билимларини амалиётга ижобий жорий этишга мажбур этиб, уларда тадқиқотчилик малакасини ривожлантиради. Тўпланган маълумотлар дарслик мазмунини теранлаштиради. Кейинчалик бу маълумотлар асосида туман, қишлоқ, маҳалланинг иқтисодий-географик тавсифига бағишилаб, рисола яратса бўлади.

Дарслик методик хусусиятига мувофиқ, муайян иқтисодий географик туман ёки вилоят унгача ўрганилган туман ёки вилоятнинг географик жиҳатлари билан таққослаб ўрганилади. Географик объект ва ҳодисалар эса мактаб теварагидаги микро объект ва ҳодисалар негизида улардаги умумийлик ҳамда ўзига хосликларни қиёсан аниқлайди.

Дарслик ўқувчини мустақил билим эгаллашга йўналтирибгина қолмай, айни вақтда мустақил билим эгаллашнинг усуллари билан ҳам ошно этади. Дарслик асосида билим, кўникма ва малакалар таркиб топиши эндилиқда исбот талаб қилмас аксиома бўлиб қолди. Дарслик дидактик тузилмасини ташкил этувчи тавсиялар, са-



вол ва топшириқларни мукаммал ва асосли бажариш ўқувчиларнинг билим ва ма-

лакасини оширса, ўқитувчини изланишга чорлаб, методик маҳоратини чархлайди.

REFERENCES

1. Yo'ldoshev Q. Yangilangan pedagogik tafakkur va umumta'lim maktablarida adabiyot o'qitishning ilmiy-metodik asoslari [Renewed pedagogical thinking and the scientific and methodological basis of teaching literature in secondary schools]. Abstract of PhD thesis. Tashkent, 1997, p. 49.
2. Izmailov A.E. Narodnaya pedagogika: pedagogicheskie vozzreniya narodov Srednei Azii i Kazakhstana [Folk Pedagogy: Pedagogical Views of the Peoples of Central Asia and Kazakhstan]. Moscow, Pedagogika, 1991, 252 p.
3. Karimova V., Sunnatova R., Tojiboeva R. Mustaqil fikrlash [Independent thinking]. A Textbook for Academic High Schools and Vocational Colleges. Tashkent, Sharq. 2000, 112 p.
4. O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi darsligining rasmiy veb-sayti [Official website of the textbook of economic and social geography of Uzbekistan]. 2019. Available at: www.geografiya8.uz/.
5. Musayev P., Musayev J. O'zbekistonning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasidan o'qituvchi kitobi [Teacher's book on economic and social geography of Uzbekistan]. Tashkent, Marifat-madadkor, 2003, 124 p.
6. Musayev P. Maktab geografiya darsliklarini yaratish mezonlari [Criteria for creating school geography textbooks]. Tashkent, 1994, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences, p. 14.
7. Lailo V.V. Povyshenie gramotnosti i razvitiye myshleniya [Increased literacy and development of thinking]. Moscow, Drofa, 2002, 93 p.
8. Musayev J. Darslik – didaktik majmuadir [The textbook is a didactic complex]. Prospects for the development of general secondary education. Materials of the Republican scientific-practical conference. Tashkent, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences, 2006, pp. 280-284.
9. Musayev J.P. Mustaqil fikrlashga yo'naltirilgan o'quv materiallarini modellashtirish texnologiyasi [Technology for modeling learning materials for independent thinking]. Maktab va hayot – School and life, 2008, no. 7-8, pp. 11-12.
10. Safarova R. et al. Umumiyo o'rta ta'lim mazmunini modernizasiyalashning didaktik parametrleri [Didactic parameters of modernization of the content of general secondary education]. Tashkent, Fan Publ., 2008, p. 224.
11. Umarov A. Musayev J. Innovasion darsliklar [Innovative textbooks]. Methodology of exact and natural sciences, 2019, no. 4.
12. Yaminova S.H. O'quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda ssenariyli o'qitish usulidan foydalanish [Use scenario teaching to develop students' independent thinking skills]. PhD thesis. Tashkent, 1997, p. 198.
13. Hoshimova M. Talabalarning axloqiy tarbiyasini rivojlantirishda ruhiyatga oid bioenergetik bilimlardan foydalanishning nazariy-amaliy asoslari [Theoretical and practical bases of using bioenergetics knowledge of psychology in the development of moral education of students]. Doctor's degree dissertation. Tashkent, 2006, 307 p.
14. Musayev P., Musayev J. Geografiya – O'zbekistonning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi [Geography is the economic and social geography of Uzbekistan]. Textbook for 8th graders. Tashkent, Sharq, 2019, 176 p.
15. Burke B. Bell hooks on education, the encyclopedia of informal education. 2004. Available at: www.infed.org/thinkers/hooks.htm/. (accessed 14.05.2010).
16. Zürcher R. Teaching-learning processes between informality and formalization. The encyclopaedia of informal education, 2010.

Тақризчи: Маҳмудов А., п.ф.д., бўлим мудири, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти